**ШАРТНОМА № Ш-19**

Андижон ш. 06.01.2022-йил

Амалдаги Низом асосида фаолият юритувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб номланувчи **ООО «FARM FAMILY BIZNES»** МЧЖ номидан иш кўрувчи **Хамидов Х.Ш.** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш юритувчи кейинчалик "Харидор" деб номланувчи **Кургонтепатуман Мурувват уйи** номидан. Бюджет ташкилоти рахбари Х Юсупов., иккинчи томонидан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган микдорда ва муддатларида шартноманинг умумий кийматидан ошмаган холда етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вактидаги микдори нархи ва етказиб бериш келишилган холда амалга оширилади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг умумий бахоси 20 000 000 Йигирма миллион сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатиладиган яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврида томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорида ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларида олинган дори воситалари учун узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилади.

## III. ТОМОНЛАРИНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. "Харидор"нинг хуқуқи ва мажбуриятлари "Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш. Етказиб берадиган товарлар қийматини хаққонийлиги "Харидор" зиммасида бўлади.

3.1. "Етказиб берувчи" қўйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Етказиб берилган товарлар учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб-китоб қилинишини Харидордан талаб қилиш.

Товарларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидорга" кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида хақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этилмайди.